**O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG’LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

**B U Y R U G’ I**

20 17 yil “ 27 ” 04 № 186

**Toshkent sh.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 227-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 227-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 апрелдаги “Олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 227-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Чақириқ ёшидаги ва ўсмирлар маркази (И.Ўринбаев),Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш бош бошқармаси (Ф.Шарипов) билан биргаликда 2017 йил 21 майга қадар бўлган муддатда ҳарбий академик лицейлар ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифалар юкланган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига кираётган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқланиши бўйича тегишли чораларни кўрсин.

3. Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи (Ў.С.Исмаилов) юқоридаги қарорни вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар эътиборига етказилиши таъминлансин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир в.в.б.** **Б.Юсупалиев**

007036